



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI UZUN TUMANI HOKIMINING
QARORI

Uzuntumani, O'zbekistonko'chasi7-uy.191100, tel.: (+99876)44-73-545, uzun.t@exat.uz

20 ~~21~~-yil " ~~23~~ " ~~yanvar~~ ~~№46~~

Uzun sh.

Туманнинг Б.Очилдиев СИУ худудидаги туман захира ер фондидан "ABDULLA INVEST KAPITAL" оилавий корхонасига пахта-ғалла йўналишида 45,0 гектар ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли қарори билан тасдиқланган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низоми, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 23-моддаларига асосан, туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 25 декабрдаги 306-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда "ABDULLA INVEST KAPITAL" оилавий корхонаси раҳбари А.Абдиевнинг аризасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н

1. Туманнинг Б.Очилдиев номли СИУ массивида пахта-ғаллачилик йўналиши учун ўтказилган танлов натижаси бўйича туман ҳокимлиги қошидаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2020 йил 25 декабрдаги 306-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Танлов ғолиби "ABDULLA INVEST KAPITAL" оилавий корхонаси (Абдиев Абдулла Парда ўғли)га пахта-ғаллачилик йўналишида тумандаги Б.Очилдиев СИУ массиви ер харитасининг 196к, 458к, 436к-дала контурларидан жами 45,0 гектар, шундан 44,8 гектар сувли ер ва 0,2 гектар кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари 31 (ўттиз бир) йил муддатга ижарага берилсин.

3.Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Н.Қоракулов)га туман ер ҳисоботида ўзгартириш киритиш вазифаси юклатилсин.

4. “ABDULLA INVEST CAPITAL” оилавий корхонаси (Абдиев Абдулла Парда ўгли)га 10 кун муддат ичида туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази Узун туман бўлиmidан рўйхатдан ўтиш ҳамда тегишли хужжатларни расмийлаштириш топширилсин.

5. Мазкур қарор нусхаси туман Давлат солиқ инспекцияси, туман Статистика бўлими ва Давлат хизматлари маркази туман бўлимига маълумот учун юборилсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг кишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Н.Мажидов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Б.Турсунов